# ПАХТАНИ САҚЛАШ ЖАРАЁНИДА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***т.ф.ф.д., доц. Каршиев Бахтиёр Эшкобилович.***
***т.ф.ф.д.Абдуллаев Камолиддин Юсупович***
***т.ф.ф.д..Абдуллаев Шарофиддин Юсуп угли***
***тадқиқотчилар: Шойматов Жамолиддин Юсупович***

Қабул қилиб олинган пахта махсулоти сифатини оширишда стандарт талабларига риоя қилиш бош омил саналади. Пахта заводларида топширилаётган пахтани стандарт талаби бўйича қабул қилмаслик оқибатида ҳам, уни сақ лаш жараёнида ҳам йўл қўйилган хатоликлар, пахта тозалаш корхоналарида ортиқча ҳаражат қилишга олиб келади. Пахта қабул қилиш пунктларида пахтани тўғри ва узоқ вақт сақлашни ташкил қилиш ва ундан олинадиган чигит, тола ҳамда бошқа хом ашёларнинг сифатини яхшилаш шароитларидан бири уни ғарам ва омборларга жойлаштиришда намлигининг Давлат стандарт кўрсаткичлари талаби даражасида бўлишидир. Пахтани жойлаштириш ва сақлашда унинг саноат нави, териш усули ва намлиги ҳисобга олинишини мухум аҳамиятга эга [1]. Қуритиш-тозалаш цехининг иш унумини ошириш мақсадида одатда пахта тайёрлаш пунктида намлиги 14 % дан юқори намликка эга бўлган хом ашё қуритиш-тозалаш цехи яқинига жойлаштирилади. Пахта заводлари ва пунктларида хўжаликлардан қабул қилиб олинган пахталар турли усулларда ҳамда шароитларда сақланади. Пахталар ғарамларда, омборларда ва усти ёпиқ бостирмалар остида қишнинг турли намгарчилик шароитларида сақланишида маълум даражада намни ўзига тортиб олади. Бунда нам муҳит пахта толасига ва чигитига кўп бўлмасада салъбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат ўз навбатида маҳсулот сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Намликнинг ошиб, ҳароратнинг ўта тушиб ёки кўтарилиб кетиши чигитнинг сифатини, унинг унувчанлиги, мойдорлигига, шунингдек, тола сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Сафаров А.А., Эргашев А., Маликов Ш. [2] лар томонидан уруғлик пахтани сақлаш усули, унинг намлиги, ифлослиги ва ғарам зичлигида бир-бирига боғлиқлик жиҳатларини фермер хўжаликларидан келтирилган Андижон-35 ва Бухоро-102 навли уруғли пахталарни қабул қилиши, жамлаши ва сақлаш шароитларини ўрганилган.

Пахтанинг намлиги юқори бўлган ерларда, айниқса ер ости сувлари яқин жойлашган жойларда ва жуда нам бўлган пахталарни ғарам қилиш унинг сифатининг тез бузилишига олиб келади. Пахтани ёпиқ омборларда сақлаш вақтида, намлиги 11 % гача бўлган 1 ва 2 саноат навли пахта учун унинг ўртача зичлиги -150-190 кг/м$^3$ ва намлиги 14 % гача бўлган 3 ва 4 саноат навли пахта учун 130-160 кг/м$^3$ бўлиши кераклигини билган ҳолда пахталар ғарамланади [3].

Парпиев А., Собиров И., Абдуллаев Ш. [4] лар томонидан намлиги юқори пахтани сақлаш жараёнида ғарамдаги пахтанинг турли нуқталаридаги ифлосликнинг нотекислиги тахлили олиб борилган бўлиб, натижада ғарам майдонларига йиғилган намлиги юқори пахталар турли фермер хўжаликларидан турли намлик ва ифлосликда олиб келинганлиги сабабли ғарам бўйлаб ифлослик бир хил тақсимланмаган, бу эса ўз-ўзидан намлиги юқори пахтани сақлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатиб ундан сифати паст тола олинишига олиб келади деган хулосаларга келинган.

Қосимов Ф., Байхонов Б, Тўйчиев Т. [5] томонидан ғарамланган пахтанинг зичлигини тола таркибидаги ифлос аралашмалар ва нуқсонларнинг микдорига таъсирини тадқиқ этиш учун тажрибалар олиб борилди. Тажрибаларда пахтани сақланаётганига уч ой бўлган II- нав, намлиги 9,5 % ва ифлослиги 5,0 %, ҳамда бир ой сақланаётган V- нав, намлиги 16,8 %, ифлослиги 16,0 % ли пахта хомашёсидан фойдаланилди ва натижалар 1.1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пахта толасининг штапель масса узунлиги ва пахта таркибидаги калта тола миқдорининг ғарам баландлиги бўйича ўзгариши

| № | Пахтанинг нави | Пахта ғараминининг баландлиги, м | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | Пахта толасининг штапель масса узунлиги, мм | | | | | | | | |
| 1 | II нав | 32,82 | 32,83 | 32,84 | 32,86 | 32,89 | 32,96 | 32,97 | 33,0 | 33,1 |
| 2 | V нав | 32,30 | 32,44 | 32,67 | 32,80 | 32,86 | - | - | - | - |
| | | Пахта таркибидаги калта тола миқдори | | | | | | | | |
| 3 | II нав | 9,86 | 9,71 | 9,36 | 8,99 | 8,57 | 8,12 | 7,83 | 7,72 | 7,68 |
| 4 | V нав | 11,98 | 12,23 | 12,92 | 13,06 | 13,61 | - | - | - | - |

Изоҳ: сақланаётган V нав пахта ғараминининг баландлиги 4 м.

1-жадвалда келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, сақланаѐтган пахтанинг баландлиги ошиб борган сари унинг зичлик кўрсаткичлари ошиши ҳисобига пахта толасининг штапель масса узунлиги 33,1 мм 32,82 мм гача камайиши ва пахта таркибида калта тола микдори 7,68 % дан 9,86 % гача ошиб бормокда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида пахтани сақлашда унинг зичлигини оширишга олиб келувчи омилларни бартараф этиш кераклиги ва ҳорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда пахта кичик ҳажмдаги модулларда сақлашни ташки этиш ижобий натижалар бериши таклиф этилган.

Пахтани ғарамларда сақлашда зичликнинг ошиб боришидан пассив ифлосликлар активларга айланиши оқибатида майда ифлосликларнинг тола ичига чукурроқ кириб боришидан сақлаш даврида тола сифатини бузилишига олиб келади ва кейинги технологик босқичларда уни тозалаш жараёни қийинлашиб боради. Шунинг учун пахтани ғарамлашда уни пассив ифлосликлардан тозалаш долзарб масала хисобланади.

Ушбу масалани ҳал қилиш мақсадида “Термиз муҳандислик-технологиялар институти” ва “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ билан ҳамкорликда ХПП русумли пахтани қабул қилиш қурилмасининг пахтани лентага ташлаш қия элеваторини тозалаш мосламаси билан жиҳозланиб, янги конструкцияли ХПП қурилмаси ишлаб чиқилди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонун 1993 й.
2. Сафаров А.А., Эргашев А.,Маликов Ш. «Zamonaviy dunyoda tabiiy fanlar: Nazariy va amaliy izlanishlar» nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiyasi, https://doi.org/ 10.5281/zenodo.7162211.

3. Азизхўжаев У.Х. Пахтани сақлаш жараёнида уруғ сифатининг ўзгариши, Ўзбекистон қ/х журнали, 2002, №2.

4. Парпиев А., Собиров И., Абдуллаев Ш. Намлиги юқори пахтани сақлаш жараёнида ғарамдаги пахтанинг турли нуқталаридаги ифлосликнинг нотекислиги тахлили. Международный научный журнал № 5 (100), часть 1 «Новости образования: исследование в XXI веке» декабрь, 2022 г. 162-164 с.

5. Қосимов Ф., Байхонов Б, Тўйчиев Т. Пахтани сақлаш жараёнида унинг сифат кўрсаткичларини ўзгариши. “Formation of psychology and pedagogy as interdisciplinary sciences”, https://doi.org/10.5281/zenodo.6451479.